

Шу хотин боласини ўтга ташлайдими?

09:00 / 24.05.2018 4098

Умар ибн Хаттоб розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам бир неча асирлар ҳузурига бордилар. Улар орасида бир асир хотин бор эди. У айланиб юриб бирор ёш болани топса, уни олардида, қорнига ёпиштириб эмизар эди. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: «Нима дейсизлар, шу хотин боласини ўтга ташлайдими?» дегандилар, биз: «Аллоҳга қасамки, йўқ», дедик. Шунда у зот: **«Батаҳқиқ, Аллоҳ Ўзининг бандаларига бунинг боласига меҳрибонлигидан кўра раҳмлироқдир»**,

Муттафақун алайҳ.